

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

Қарши шаҳри

2023 йил 9 ноябрь

Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида раислик қилувчи М.Астанов, ҳайъат аъзолари судьялар М.Бозоров ва Ҳ.Турсуновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Холмановинг котиблигида, “Тангиров Янгибой Рўзимуродович” фермер хўжалиги раҳбари Я.Тангиров, унинг вакили А.Жаббаров (ишончнома асосида) иштирокида, Касби туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарорига нисбатан “Тангиров Янгибой Рўзимуродович” фермер хўжалиги томонидан берилган апелляция шикоятни бўйича ишни Қашқадарё вилоят суди биносидаги очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а ни қ л а д и:

Касби туман прокуратураси “Худудий электр тармоқлари” АЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Тангиров Янгибой Рўзимуродович” фермер хўжалигидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 128 459 129 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилиб, “Тангиров Янгибой Рўзимуродович” фермер хўжалигидан “Худудий электр тармоқлари” АЖ фойдасига 128 459 129 сўм асосий қарз, 30.000 сўм почта харажати харажати, Республика бюджетига 2 569 182,58 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Жавобгарнинг апелляция шикоятида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво аризасини рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Тегишли тартибда суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор этилган Касби туман прокуратураси ва даъвогар вакиллари суд мажлисида иштирок этмади.

Судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 274-моддаси учинчи қисмига асосан ишни улар вакилларининг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар раҳбари ва унинг вакили апелляция шикоятни қувватлаб, қарздорликдаги суммага эътироз билдириб, мутахассис томонидан асосиз равишда қарздорлик суммаси



ошириб кўрсатилганлигини маълум қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўрадилар.

Судлов ҳайъати, ишда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланиши белиганган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Касби туман электр таъминоти корхонаси ва жавобгар ўртасида электр энергияси етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган.

Шартноманинг 1-бандига кўра “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Касби туман электр таъминоти корхонаси электр энергиясини “Истеъмолчи” - “Тангиров Янгибой Рўзимуродович” фермер хўжалигига етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 4.2-бандига асосан, истеъмолчи фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлашга мажбурлиги кўрсатилган.

Жавобгар томонидан етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар амалга оширилмаган.

Шунингдек, даъвогарнинг қарздорликни бартараф этиш ҳақидаги огоҳлантириш хати жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

ФКнинг 468-моддасига асосан, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳаққини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шаҳобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

“Электр энергетикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига асосан электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиши, фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаши кўрсатилган.



Шартнома шартларига асосан даъвогар томонидан жавобгарга 128 459 129 сўмлик электр энергияси етказиб берилган. Ушбу ҳолат даъвогар томонидан тақдим қилинган 2023 йил 1 апрель ҳолатидаги ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасида ўз аксини топган.

Биринчи инстанция суди даъво талабини қисман, яъни 128 459 129 сўмга қаноатлантириш ҳақида асосли тўхтамга келган.

Чунки, “Ўзэнергоинспекция” Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлимининг мутахассиси Ш.Турдиев томонидан судга тақдим этилган хулосада, жавобгарга тегишли бўлган СЕ-303 русумли №009217159477772 завод рақамли электр ҳисоблагич кўрсаткич 2595.334 бўлиб, ушбу ҳисоблагич Касби ТЭТК ҳисоб базасидаги электр ҳисоблагич билан мос эканлиги, дала шийпонида ўрнатилган ЕХ-18 русумли 121206510862 завод рақамли электр ҳисоблагич кўрсаткичи 2596 бўлиб, Касби ТЭТК ҳисоб базасидаги электр ҳисоблагич билан мос эканлиги, 2020, 2021, 2022 ва 2023 йилнинг тўққиз ойида жавобгар томонидан ишлатилган электр энергияси учун жами 107 007 455 сўм тўланган бўлсада, даъвогар олдида жавобгарнинг 128 459 129 сўм қарздорлиги борлиги ҳақида хулоса берилган.

Мазкур хулоса фермер хўжалиги раҳбари томонидан имзо орқали тасдиқланган ва эътироз билдирилмаган.

ИПКнинг 278-моддаси биринчи қисми биринчи бандига кўра, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

ИПК 279-моддасининг биринчи қисмига кўра ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асоси кўрсатилган.

Шу боис, судлов ҳайъати апелляция шикоятини келтирилган важлар билан келиша олмайди ва уни қаноатлантирмасдан қолдиришни ҳамда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юкланади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни, жавобгар томонидан апелляция шикояти учун олдиндан тўланган 1 285 000 сўм давлат божи ва 33.000 сўм почта харажатино инобатга олиб, ўзининг зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 278-280-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

Касби туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.



“Тангиров Янгибой Рўзимуродович” фермер хўжалиги томонидан апелляция шикояти учун олдиндан тўланган 1 285 000 сўм давлат божи ва 33.000 сўм почта харажати инобатга олиниб, ўзининг зиммасида қолдирилсин.

Қарор қабул қилинган пайдан бошлаб қонуний кучга киради.

Мазкур қарордан норози томон Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят (протест) бериши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Астанов

судьялар

М.Бозоров

Ҳ.Турсунов

